

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Олот тумани Ободонлаштириш
бошқармаси
раҳбари У.Куллиев

2022 йил « 8 » 10 даги
« 242 »-сонли баённомасига

ИЛОВА
(мазкур баённома ҳар бир буюртмачи
танлов ҳайъати томонидан кўриб
чиқилиб тасдиқланади)

ТАНЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШДА ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)

1. УМУМНИЙ ҚОНДАЛАР

1.1. Танлов ҳайъатининг иш тартиби Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-боб 19-20-моддалари, 4-боб, 26-27-28-29-30-31-32-моддалари талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, танлов комиссиясининг танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартиби, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур иш тартиби (кейинчалик регламент) тавсия хусусиятига эга, танловларнинг предметидан катъий назар, танлов ҳайъати томонидан ўзгартиришлар киритилиши ва белгиланган тартибда буюртмачи томонидан тасдиқланиши мумкин.

1.3. Танлов ҳайъати, танловларнинг бевосита иштирокчиси бўлган ҳолда (танловларни ўтказиш жараёнида донимий орган), буюртмачининг буйруғи ёки бошқа фармойиш берувчи ҳужжати билан тузилади ва танловларнинг тартиботига доир масалаларни кўриб чиқишга, муҳокама этиб тасдиқлашга ҳуқуқлидир.

2. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

19-модда. Давлат буюртмачилари

Ушбу Қонун мақсадлари учун давлат буюртмачилари деганда куйидагилар тушунилади:

1) бюджет буюртмачилари:

давлат органлари ва муассасалари;

бюджет ташкилотлари;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтирилаётган бюджет маблағларини олувчилар;

давлат мақсадли жамғармалари;

бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармалар;

2) корпоратив буюртмачилар:

давлат корхоналари;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

устав фондида (устав капиталида) ушбу модданинг 2-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

устав фондида (устав капиталида) ушбу модданинг 2-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар.

Корпоратив буюртмачилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан юритилади ва ахборот алмашинуви орқали махсус ахборот порталида шакллантирилади.

Давлат буюртмачиси:

мустакил равишда ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган ҳолда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини белгилаш, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

давлат харидларини амалга оширишда ўз расмий веб-сайтига ёки ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштириш;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни ўтказишда давлат харидлари тўғрисидаги шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузиш ва (ёки) шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган закалат ёки банк кафолатини киритишни талаб қилиш;

харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириш;

конунчиликка назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари тақлифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги тақлиф билан уларга мувожаат қилиш ҳукукига эга.

Давлат буюртмачиси конунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат буюртмачиси:

давлат харидларини режалаштириши;

ушбу Қонунга мувофиқ харид қилиш тартиб-таомили турини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиши;

конунчиликка белгиланган тартибда давлат харидларини амалга ошириши;

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни конунчиликка белгиланган тартибда ва муддатларда махсус ахборот порталга жойлаштириши;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг товарлар (ишлар, хизматлар) ва давлат харидларининг тартиб-таомиллари билан боғлиқ сўровлари бўйича уларга конунчиликка мувофиқ тушунтиришлар бериши;

харид қилиш тартиб-таомилларининг голлиб деб топилган иштирокчилари билан шартномалар тузиши, шунингдек уларнинг ижро этилишини таъминлаши;

давлат харидларини амалга оширишда аффилиланганлик тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши; бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина махсус ахборот портални орқали давлат харидларининг электрон тизмига ва оммавий ахборот воситаларига жойлаштириши шарт.

Корпоратив буюртмачилар ўзи амалга оширган давлат харидлари тўғрисида ваколатли органга хар чоракда ахборот тақдим этади.

Давлат буюртмачисининг зиммасида конунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Давлат буюртмачисининг давлат харидлари тўғрисидаги конунчиликка назарда тутилган мажбуриятлари ва вазифалари давлат буюртмачисининг раҳбарияти, харид комиссиялари ва харид қилиш тартиб-таомилларини таъкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган давлат буюртмачисининг таркибий бўлиmlмалари ёки алоҳида ҳодимлари томонидан амалга оширилиши керак.

20-модда. Харид комиссияси

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомилларини таъкил этиш ва ўтказиш чоғида давлат буюртмачиси томонидан шакллантириладиган, ушбу тартиб-таомилларни ўтказиш тартибидида шакллантирилиши талаб этиладиган коллегиал органдир.

Харид комиссияси шунининг асосий мақсади харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг тақлифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолашдан ва тартибта солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда голлибни (голлибларни) танлашдан иборат.

Харид комиссияси давлат буюртмачиси хузурида феолият кўрсатадиган, давлат буюртмачисининг тегишли қарорлари билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган органдир.

Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сонни харид қилиш тартиб-таомилларининг турига боғлиқ бўлади ҳамда конунчиликка мувофиқ ва олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатта олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Харид комиссияси аъзолари ҳолис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили голлибни танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

Харид комиссиясининг ишига раис рақбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга кўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссияси раисни йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳукукига эга бўлмаган масъул котйоби таъкил этади.

Харид комиссиясининг хар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳукукига эга эмас.

Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади.

Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

Харид комиссияси энг яқши тақлифларни танлашни ва тендерни электрон шаклда ўтказиш чоғида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан турлиб овоз бериш ҳукукига эга.

Харид комиссияси давлат харидларининг предметидан келиб чиққан ҳолда, ўз фаолиятини амалга ошириш учун экспертларни, шунингдек бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва давлат буюртмачисининг юқори турувчи таъкилотли мутахассисларини жалб этиш мумкин.

Ваколатли орган вақилини бошқа давлат буюртмачисининг харид комиссияси таркибига киритишга йўл кўйилмайди.

Харид комиссияси тўғри шакллантирилиши учун давлат буюртмачиси масъулдир.

Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда харид комиссияси раисининг овози ҳақ қилувчи овоз бўлади. Харид комиссияси аъзоларида харид қилиш тартиб-таомиллари шитироқчилари билан аффилиланганлик ҳусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўриб чиқилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда шитироқ этимаслиги керак, бу ҳақда харид комиссияси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан қарор қабул қилинганга қадар маълум бўлиб қолган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришига йўл қўйилмайди.

Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

Харид комиссияси куйидаги вазифаларни бажаради:

харид қилиш ҳужжатларини келишадди;
тақлифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;
тақлифларни очиб тартиб-таомилларини белгилайди;
тақлифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;
зарур бўлганда тақлиф киритиш тартибини, ҳажминини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;
харид қилиш тартиб-таомили шитироқчиларининг тақлифларини очибнинг амалга оширадди;
дастлабки малака танловини ўтказадди, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;
зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;
харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширадди;
харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари қоллибни ва зарур бўлганда захирадати қоллибни белгилайди ёки савдоли амалга оширадди деб тонади.

Харид комиссияси давлат харидлари ижроқисини аниқлаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунийлик талабларида мувофиқлиги, ўзи қабул қилётган қарорларининг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобтар бўлади.

Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобтар бўлмайди.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколатли доирасида қабул қилинадиган қарорлар давлат буюртмасисини ва харид қилиш тартиб-таомиллари шитироқчилари учун мажбурийдир.

4-боб. Давлат харидлари жараёнига доир умумий талаблар

26-модда. Давлат харидлари жараёни

Давлат харидлари жараёни куйидаги бошқичларни ўз ичига олади:
давлат харидларини режалаштириш;
харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;
шартномани тузиш ва бажариш;
давлат харидлари мониторинги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига ва бошқа давлат дастурларида киритилган лойиҳаларни «фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида «fast-track» усулида (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) амалга оширишга йўл қўйилади.

27-модда. Махсус ахборот портали

Махсус ахборот портали ваколатли орган томонидан юритиладиган, давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълонлар, давлат харидларининг ақуилари, шитироқчиларининг тақлифлари ҳақидаги ахборотни ва қонунийликда назарда тутилган бошқа ахборотни электрон шаклда кўздан кечирлиши, шунингдек амалга оширилган электрон давлат харидлари тўғрисида давлат харидлари электрон тизимларининг операторлари томонидан киритиладиган (қобуриладиган) ахборотни тўплашни таъминловчи веб-сайтлар (махсус электрон платформа).

Махсус ахборот порталида:

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотнинг жамоатчилик учун очиклиги;
давлат харидлари соҳасидаги ахборотни жамлаш, унга ишлов бериш ва тақлилий ҳисоботни шакллантириш;
давлат харидларининг электрон тизимлари ва бошқа ахборот тизимлари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли давлат органлари томонидан давлат харидлари субъектларининг ўз вазифаларини ушбу Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунийлик ҳужжатлари талаблари доирасида амалга ошираётганлиги устидан мониторинг ва назорат ўтказиш таъминланади.

Махсус ахборот порталида давлат харидларини режалаштириш, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш, давлат харидлари мониторинги ва назоратини ўтказиш жараёналари тизимлаштирилади.

Бюджет буюртмачиларининг давлат харидлари буйича тўловлари махсус ахборот порталида давлат харидларини режалаштириш, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш ва улар тўғрисида ахборот жойлаштириш жараёналари тузатилишдан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

28-модда. Давлат харидларининг электрон тизими

Давлат харидлари субъектларининг ҳамкорлигини, электрон давлат харидлари жараёндаги харид қилиш тартиб-таомиллари ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи давлат харидларининг электрон тизимидир.

Давлат харидларининг электрон тизими ваколатли орган томонидан белгиланган талабларга, шу жумладан:

техник параметрларга оид талабларга;

техник ва технологик имкониятларга оид талабларга;

ахборотни ва тегишли маълумотларни сақловчи асбоб-ускуналарнинг жойлаштириш ерига оид талабларга;

ахборот хавфсизлиги усуллари ва шартларига;

махсус ахборот портали ва бошқа ташқи ахборот тизимлари билан ҳамкорлик имкониятларига;

харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга оид талабларга;

давлат харидлари субъектларининг, ваколатли органнинг ва харид қилиш тартиб-таомиллари устидан давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли давлат органларининг тизимдан фойдаланиш имкониятларига;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунийлик ҳужжатларига мувофиқ бошқа талабларга мос бўлиши керак.

29-модда. Давлат харидларини режалаштириш

Давлат харидларини режалаштириш давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади ва харидларни тизимлаштиришдан, давлат харидларини режалаштириш ҳамда бюджет ва инвестиция жараёнларидати режалаштириш, шунингдек ҳўжалик фаолиятини режалаштириш ўрғасида ўзаро алоқани таъминлашдан иборат бўлади.

Давлат харидларининг йиллик режа-жадвали бюджет буюртмачилари томонидан жорий йилнинг 25 мартга қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Келгуси йил учун давлат харидларининг йиллик режа-жадаллари корпоратив буюртмачилар томонидан жорий йилнинг 25 декабрга қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Келгуси чорак учун давлат харидларининг чораклик режа-жадаллари давлат буюртмачилари томонидан жорий чорак охиригى ойнинг 25 санасига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

30-модда. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари

Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуйидагилардан иборат:

электрон дўкон;

бошлангич нархни пайсайтириш учун ўтказилдиган аукцион;

энг яхши таклифларни танлаш;

тендер;

тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси

Харид қилиш тартиб-таомиллари электрон шаклда амалга оширилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан рухсат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари

31-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар қиради:

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик;

давлат харидларининг режа-жадаллари;

давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар;

ҳужжатларнинг намунавий шакллари;

харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш учун зарур бўлган намунавий шартномалар;

давлат харидлари боёқчиларининг натижаллари тўғрисидаги ахборот;

Шартномаларнинг ягона реестри;

Ягона етказиб берувчилар реестри;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятлари кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарорлари;

давлат харидлари бўйича статистик ахборот.

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталида эълон қилинади.

Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ, ҳолис ва ишончли бўлиши керак.

32-модда. Баҳолаш мезонларига ва тартиб-таомилларига тааллуқли қондалар

Иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларига тааллуқли бўлган таклифларини баҳолаш мезонларида:

нарх;

етказиб бериш баъиси;

етказиб бериш муддатлари;

тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари;

эксплуатация қилиш (фойдаланиш) муддати;
тўлов ва кафолатлар шартлари;
муайян даврдаги эксплуатация қилишга, шу жумладан фойдаланиш ва таъмирлашга доир харажатлар;

конунчилик талабларига зид бўлмаган бошқа мезонлар назарда тутилади.

Давлат буюртмачиси томонидан белгиланадиган давлат хариди шартларида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари, уларнинг нисбий қиймати, баҳолаш тартиб-таомиллари доирасида баҳолаш мезонларини қўллаш тартиби бўлиши керак.

Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ғолибни аниқлашда давлат буюртмачиси фақат харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган баҳолаш мезонлари ва тартиб-таомилларидан фойдаланади ҳамда бу мезонлар ва тартиб-таомилларни ушбу ҳужжатларда баён этилган тартибда қўллайди.

Давлат харидларини амалга оширишда экологик мухитни яхшилашга қўмаклашиш ёки атроф-мухитга бўлган салбий таъсирни камайтириш мақсадида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ижрочини аниқлаш жараёнида энергия самарадорлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик жихатдан мақбул материаллардан ҳамда иккиламчи хом ашёдан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш каби мезонлардан ва харид қилнаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) экологик мақбуллигини баҳолашга оид бошқа омиллардан фойдаланилиши мумкин.

4. ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

4.1. Талабгорлар орасида ишлар хизматлар (лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари) ишлаб чиқиш учун энг мақбул таклиф ғолиб деб ҳисобланади.

4.2. Танлов ҳайъати аъзолари электрон равишда овоз берилади ва натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.3. Танлов ғолиблари ҳайъат томонидан иштирок этиш истагини билдирган танлов қатнашчиларининг иштирокида эълон қилинади.

4.4. танлов ҳайъат томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилган қарори якуний ҳисобланади ва шартнома имзоланади.

5. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

5.1. Танлов ҳайъати талабгордан давлат Буюртмачилигида қандай объектларда (лойиҳалаш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини) амалга оширганлиги ҳақида тасдиқловчи далилларни ҳужжат шаклида талаб қилишга ҳамда қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқларга эга.

5.2. Танлов ҳайъати ўзининг қарори билан қуйидаги ҳолатлар бўйича:

- тақдим этилган ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг талабларига мос келмаганда, нотўғри маълумот ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлган ҳоллар аниқланганда;
- агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар ёки хизматларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлсада, талабгорнинг лицензияси бўлмаса;
- агар талабгорлар қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган ҳолларда;
- муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, ҳолдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ҳоллар мавжуд бўлганда;
- талабгорни четлатишга ва таклифларни кейинчалик ўрганмасдан танловдан четлаштиришга ҳақлидир.

5.3. Танлов ҳайъат танловларни ўтказиш жараёнида танлов иштирокчилари томонидан келиб чиққан фикр-мулоҳаза ва талабларни 15 кунлик муддатдан ошиб кетмаган ҳолда кўриб чиқиб, қарор чиқариши ва жавоб йўллаш ҳуқуқига эгадир. Танлов тартиботларидан келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.4. Танлов ҳайъати талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатининг таркиби бўйича изоҳлар билан тушунтиришлар киритишга йўл қўйишга ҳақлидир. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

5.5. Танлов ҳайъати қуйидаги ҳолларда:

- танлов ҳайъати томонидан белгиланган муддат якунига 2 тадан кам таклиф келиб тушса;
- барча таклифлар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;
- талабгорлар томонидан таклиф этилган нархлар эълон қилинган бошланғич нархга нисбатан юқори бўлганда;
- танлов ҳайъати томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса, ўтказилмаган деб ҳисоблашга ҳақлидир.

5.6. Танловнинг ўтказилмаган деб эълон қилиниши танлов ҳайъатининг мулкӣ ёки бошқа тусдаги жавобгарлигига олиб келмайди.

5.7. Танлов ҳайъати танлов тартиботлари бўйича ҳар қандай қарорга келиши мумкин, қачонки ушбу қарорлар тегишли қарорлар негизида бўлса.

6. ТАНЛОВ ХАЙЪАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Танлов хайъати:

- танлов тартиботининг боскичларида қворумсиз (танлов хайъати аъзоларининг сонн етарли бўлмаганида), камчилик овоз билан ваёки танлов хужжатларининг талабларини ҳисобга олмасдан туриб танлов хайъати томонидан қарор қабул қилинишига;
- талабдордан унинг малага маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни хужжатли шаклда тақдим этишининг асоссиз талаб қилиниши;
- тақлиф мазмунини ўзгартирдиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажарилш муддати ўзгартирилганлиги;
- танлов голлибининг танлов хайъатининг очик мажлисида аниқланганлиги, танлов голлибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги;
- танлов тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

7. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

Мазкур иш тартиби танлов хужжатининг ажраимас қисмидир ва танлов хайъати томонидан кўриб чиқилгандан ва танлов хайъати раиси томонидан электрон шаклда тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради.



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BUХOPO VILoyATI HOКIMINING FARMOYISHI

200118. Вухоро viloyati, Вухоро shahri, I.Mo‘shinov ko‘chasi 1-uy. Tel.:(365) 224-34-85, Faks: 223-05-95 e-mail:
info@vuxoro.uz, vuxoro@exa.uz

2022 - yil 4 - oktabr

274-2-0-F/22

Вухоро viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 28 ва 126-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Администрацияси раҳбарининг 2022 йил 26 сентябрдаги 02-2525-сонли тошхиринги, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 3 октябрдаги VI-64-119-2-0-К/22-сонли қарори ҳамда вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармасининг 2022 йил 3 октябрдаги 01/06/20-03-38/1039-сонли хатига асосланиб:

1. Вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Б.Адилов) вилоят маҳаллий бюджетининг кўшимча манбалари ҳисобидан вилоятда яроқсиз холга келиб қолган ва қуввати етмайдиган трансформаторларни алмаштириш билан боғлиқ харажатлар учун 6 500,0 (олти миллиард беш юз миллион) млн.сўм миқдоридagi маблағларни иловага мувофиқ тегишли шахар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратилишини таъминласин.
2. Шаҳар ва туман ҳокимлари, ажратилган маблағларни белгиланган тартибда “Давлат харидлари тўрисида”ги Қонуни талаблари асосида мақсадли ишлатилишини таъминласин.
3. Мазкур фармойиш ижросининг назорати вилоят ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Н.Ҳамдамов зиммасига юклатилсин.

Бухоро вилояти ҳокими

Б.К.Зарипов



Вилоят вилоят ҳокимлигининг
2022 йил 4 октябрдаги
274-2-0-F/22-сон фармоишига
1-илова

**Вилоятда яроқсиз ҳолга келиб қолган ва қуввати етмайдиган трансформаторларнинг
алмаштириши учун ажратиладиган маблағлар миқдори**

Г/р	Маблағ олувчи маҳаллий бюджет номи	Алмаштири-ладиган трансформа-торлар сон	Ажратиладиган маблағ миқдори (млн.сўмда)
1.	Қогон шаҳар	4	260,0
2.	Қогон туман	5	325,0
3.	Вобқент туман	10	650,0
4.	Олот туман	9	585,0
5.	Бухоро туман	8	520,0
6.	Шофирқон туман	11	715,0
7.	Пешку туман	10	650,0
8.	Ғиждувон туман	13	845,0
9.	Жондор туман	10	650,0
10.	Ромитан туман	10	650,0
11.	Қорақўл туман	10	650,0
	ЖАМИ	100	6500,0



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI OLOT TUMANI HOKIMINING FARMOYISHI

Buxoro viloyati, Olot tumani, Olot ko'chasi, 73-uy. Tel: (365) 34-22-114, faks: (365) 34-22-539

2022 - yil 6 - oktabr

74-2-31-F/22

Olot tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 28 ва 126-моддалари, Бухоро вилоят ҳокимининг 2022 йил 4 октябрдаги 274-2-0-F/22- сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида:


1. Вилоят ҳокимининг 2022 йил 4 октябрдаги 274-2-0-F/22-сонли фармойиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (Ф.Давронов) тумандаги яроқсиз ҳолга келиб қолган ва қуввати етмайдиган трансформаторларни алмаштириш билан боғлиқ харажатлар учун вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан берилган 585,0 (беш юз саксон беш миллион) млн.сўм маблағни туман ободонлаштириш бошқармасига ажратилишини таъминласин.
3. Туман ғазначилик бўлими (Н.Арслонов) ушбу маблағлар бўйича харажатларни белгиланган тартибда ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин.
4. Туман ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси (М.Қурбонов) мазкур фармойишга асосан ажратилган маблағларни “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида белгиланган мақсадларга сарфланишини таъминласин.
5. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари А.Янгиев ва Ш.Ҳамроевлар зиммасига юклатилсин.

Туман хокими



Н.Нематова

БУХОРО ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИИЯТИ
ОЛОТ ТУМАН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
КОРХОНАСИ



БУХОРО НУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИИЯТИ
ОЛОТ ТУМАН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
КОРХОНАСИ

ГСП-200200, Олот шаҳри "Do'slik" ko'chasi № 14-чу, Tel: 8 (365) 342-12-36, Fax: 8 (365) 342-22-36

№ _____ йил

№

Олот тумани

Бухоро вилояти Олот тумани электр энергияси таъминоти бўлимида
МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясини 2022 йил 26
сентябрдан 02.2525 сонли тоширишга асосан Бухоро вилоят хокимлиги
томонидан оғиб берилган 100 дона трансформаторларни Олот
туманида электр таъминоти бўйича долзарб бўлган маҳаллаларда
уриштириш режалаштирилган 9 дона трансформатор тулкини кундан
трансформатор лар кирди.

1 КТТГ 250/6 кВ

3 дона комплект

2 КТТГ 250/10 кВ

6 дона комплект

Олот ТУТК бошқари

Г.Набиев

Тармоқ трансформатор тўғрисида маълумот

		КТПС (комплект)		Куввати (кВА)		250 кВА		Этазиб бериш мурдати (кун хисобида)	Кадр мул
		Ўлчов бирлиги (дона)	суммаси (млн.сум)	Ўлчов бирлиги (дона)	суммаси (млн.сум)				
	1	1	51,0	1	61,0			30-90	
	1	1	52,0	1	63,0			20-60	
R" 000	1	1	55,0	1	65,0			20-40	
	1	1	61,0	1	75,9			20-50	
Завод"	1	1	72,0	1	91,5			10-40	

Тармоқ трансформатор тўғрисида маълумот

		КТПС (шкафсиз)		Куввати (кВА)		250 кВА		Этазиб бериш мурдати (кун хисобида)
		Ўлчов бирлиги (дона)	суммаси (млн.сум)	Ўлчов бирлиги (дона)	суммаси (млн.сум)			
	1	1	39,0	1	49,0			30
	1	1	40,0	1	51,0			30